

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ МАҲОРАТНИ КОГНИТИВ ЎЗЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИ

Охунова Дилноза Қаххоржоновна
ФарДУ-педагогика кафедраси ўқитувчиси
Ўзбекистон, Фаргона
Oxunova2302@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларда касбий маҳоратни когнитив ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён самарадорлиги ва сифати кўриб чиқилган. Бўлажак ўқитувчилар ўқувчиларга самарали таъсир кўрсатиш имконини берадиган муомала ва мулоқот маданияти кўникмаларини эгаллашлари зарур.

Калит сўзлар: педагогик технология, когнитив фаолият, интеллектуал, мотив, касбий билимлар, қобилият, дастурий таълим, лойиҳалаш, илмий дунёқараш, мантикий фикрлаш.

Педагогик маҳоратни эгаллаш учун таълим-тарбияни амалга ошириш технологиялари ва дидактик қонуниятларини когнитив ўзлаштириш тақозо қилинади. Бу бўлажак ўқитувчиларга мантикий фикрлаш ва ижодий фаоллик кўрсатиш, педагогик ҳодисаларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни кўра олиш, баҳолаш ва вужудга келган бўшлиқларни коррекциялаш имконини беради.

Билимларни когнитив ўзлаштириш натижасида бўлажак ўқитувчилар касбий маҳорат – акмега эришиш имкониятига эга бўладилар. Бўлажак ўқувчилар ўқувчиларнинг яқка ҳам жамоавий характердаги ўқув фаолиятини ташкил этишнинг самарали усулларини қўллаш лаёқатини ўзлаштирадилар. Бунинг учун талабалардан педагогик маҳоратнинг асосини ташкил этадиган ўқитиш техникасини пухта ўзлаштириш талаб этилади. Бўлажак ўқитувчилар ўқувчиларга самарали таъсир кўрсатиш имконини берадиган муомала ва мулоқот маданияти кўникмаларини эгаллашлари зарур ҳисобланади. Педагогик нутқ ва муомала одоби методик маҳоратнинг асосини ташкил этади. Ўқитувчи педагогик мулоқот ва нотиклик маҳоратига эга бўлиши лозим. Бунинг учун талабалар нутқнинг аниқлиги, мулоқот жараёнида товушнинг бир маромда бўлиши, тўғри нафас олиш, имо-ишоралар орқали фикр ифодалаш имкониятига эга бўлишлари лозим. Чунки

Ўқитувчи ўз педагогик фаолияти жараёнида ўқувчиларга билимларни тушунарли тарзда баён этиши, уларда ўқув жараёнига нисбатан итжобий мотивация хосил қилиши, таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини муносиб баҳолай олиши, ўз фаолиятидаги бўшлиқларни ҳисобга олган ҳолда, психология ва педагогикага оид билимлардан зарур ўринларда моҳирона фойдалана олишлари лозим. Ўқитувчи учун ўқувчилар хатти-ҳаракатларининг ўзига хослигини ҳис эта олишлари муҳим аҳамиятга эга. Агар ўқитувчи ўқувчилар орасидаги шахслараро муносабатларни ўз вақтида назорат қилмаса гуруҳда жамоавийлик белгилари йўқолади.

Педагогика ва психология фанларида касбий маҳорат, касбий зукколик ва новаторлик орасида мавжуд фарқларнинг мавжудлиги педагоглар томонидан назарий амалий жиҳатдан асослаб берилган. Бўлажак ўқитувчининг касбий фаолият кўникмаларини эгаллашида билимларни когнитив ўзлаштириши муҳим аҳамият касб этади. Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимларни когнитив қабул қилиш компетенциясини шакллантириш учун замонавий касбий билимларни талабаларга узлуксиз тақдим этиш зарурияти кучаймоқда. Бунинг учун педагогик маҳорат – акмени эгалашнинг ҳар бир босқичида талабаларга тақдим этиладиган педагогик-психологик билимлар кўлами ва ҳажмини кенгайтиришга эътибор қаратилади. Билимларни когнитив ўзлаштириш натижасида ривожланган педагогик онг бўлажак педагогларга ўз иш услубини шакллантириш имконини беради. Касбий билимларни когнитив даражада ўзлаштирган талабалар касбий маҳорат – акмени эгаллашга интиладилар. Бунда ўқитувчилар ўқувчиларда машғулотларга нисбатан ижодий ёндашувни шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу ҳар бир ўқитувчига касбий лаёқатларини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради. Касбий билимларни когнитив ўзлаштирган ўқитувчилар қайта алоқани амалга ошириш имкониятини намоён эта оладилар.

Юқоридагилар асосида шуни таъкидлаш лозимки, бўлжак ўқитувчиларнинг касбий билимларни когнитив ўзлаштиришлари, уларнинг истиқболдаги фаолиятида ижодкорлик кўникмаларини намоён қилишлари учун қулай асос яратади.

Бугунги кунда ўқитувчилар тайёрлаш ва умумий ўрта таълим мактабларида ўқитувчи фаолиятини янги сифат босқичига кўтариш соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Умумий ўрта таълим тизими олдида қўйилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг креатив, мантикий фикрлаш имкониятларини кенгайтириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон сифатида тарбиялаш ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ. Сўнгги йилларда олий педагогик таълим жараёнини модернизациялаш соҳасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Масалан, бўлажак ўқитувчиларларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш, уларга ихтисосликка оид фанларни чуқур ўргатиш, педагогик маҳоратни эгаллашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, касбий билимларни когнитив ўзлаштириш ва ўз амалий фаолиятида қўллаш компетенциясини шакллантиришнинг дидактик воситалари, усуллари, методлари янгиланди. Шунингдек, таълим жараёнида “Ўқитиш методикаси”, “Педагогика- психология”, “Тарбия назарияси” каби ўқув модуллари янги ёндашувлар асосида бойитилди. Бўлажак ўқитувчининг рухий саломатлиги, соғлом тафаккур ва дунёқарашга эга бўлиши касбий маҳорат сирларини алоҳида қизиқиш билан ўрганишига, интилишига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, бўлажак ўқитувчилар касбий билимларни когнитив ўзлаштириш асосида ўқувчиларни севиши, улар билан ишлашга мойил, мулоқотга киришувчан, хушмуомала, кузатувчан, мустақил фикрли, талабчан бўлиши зарур. Бундай касбий сифатлар ва билимларга эга бўлган бўлажак ўқитувчилар истиқболда таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтара оладилар.

Бўлажак ўқитувчи педагогик-психологик фанларни ўрганиш натижасида ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хулқ-атворга эга бўлишини англаб етади. Бўлажак ўқитувчилар педагогик касбини эгаллаш жараёнида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларни билиб олишлари ва ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида унга амал қилишлари лозим. Педагогик фаолиятга тайёрланаётган талабалардан, ўқитувчи касбига хос бўлган барча сифатларни яхши эгаллаган бўлишлари талаб этилади. Бунинг учун, педагогика олий ўқув юртлирида талабаларни танлаб олишда, уларнинг педагогик лаёқат ва иқтидорга эга эканликларини турли методикалар ёрдамида аниқлаш лозим. Ўқитувчи касбининг ўзига хос хусусиятлари унинг профессиограммасида ифодаланиб, малака, талаблари шунга мос тарзда белгилаб берилади. Бўлажак ўқитувчилар касбий билимларни когнитив ўзлаштириш натижасида қуйидаги сифатларга эга бўлишлари лозим:

- бўлажак ўқитувчининг рухий-педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар;
- ўқитувчининг маънавий-ахлоқий сифатларига қўйиладиган талаблар;
- касбий тайёргарлик мазмуни ва кўламига қўйиладиган талаблар;
- бўлажак ўқитувчининг ихтисосликка оид методик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар кабилар.

Билимларни когнитив ўзлаштириш натижасида бўлажак ўқитувчилар педагогик касбига хос бўлган бир қатор сифатларга эга бўладилар.

а) сиёсий-ғоявий йўналишда:

- аниқ ва илмий дунёқараш, диний эътиқодга эгалик;
- ўзининг ижтимоий эҳтиёжлари, ахлоқий позициясини англаб етганлиги;
- ижтимоий воқеликка нисбатан ижтимоий фаол муносабатда бўлиши;
- фуқаролик позициясига эгалиги каби.

б) касбий йўналишда:

- педагогик тафаккурга эга бўлишлари;
- ўқувчилар билан ҳамкорлик қила олишлари ва уларни тушуна олишлари;

- педагогик зийраклик ва кузатувчанлик сифатларини намоён эта олишлари;
- педагогик назокатга эга бўлишлари;
- ўқувчилар билан мулоқот ва диалог ўрната олишлари;
- педагогик тасаввурларининг кенглиги;
- ташкилотчилик лаёқатини намоён эта олишлари;
- объективлик, толерантлик, талабчанлиги, негбинлик сифатларини намоён эта олишлари;
- ҳозиржавоблик, қатъиятлилик аниқ мақсад сари интилиши;
- ўз фаолияти янгиликларини қўллашга интилиши;
- умумий ўрта таълим тизими олдида қўйилган ижтимоий буюртма ва унинг моҳиятини англаб етганликлари;
- таълим муассасаси ва ўқувчилар жамоасини бошқара олиш лаёқатига эга эгаликлари;
- касбий жиҳатдан ривожланиш ва янгиликларни тезкор қабул қилиш лаёқатига эга эканликлари;
- мустақил билим олиш ва ўз ўзини ривожлантириш мотивларига эга эканликлари кабилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Л.В.Климбери, Н.В. Ядрова, Р.М. Нуржанова, Талабаларнинг когнитив фаоллигини шакллантиришга замонавий юндашулар // Фан ва таълимнинг замонавий муаммолари. - 2017. - 6-сон;
2. Талабаларнинг когнитив қизиқишларини шакллантиришнинг педагогик муаммолари: дарслик / Г.И. Шчукин. - М.: Педагогика, 2008. -- 296 б.
3. Oxunova, D. (2022). O 'QUVCHILAR BILIMINI BAHOLASHGA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 870-876.
4. Kakhhorjonovna, O. D. (2022). Approaches to Preparing Future Teachers for the Organization of Cognitive Processes in General Secondary Schools. *Miasto Przyszłości*, 29, 6-7.